

Оммавий оферта

Тошкент ш.
й.

« ____ » _____ 2024

Мазкур оммавий оферта « **ACADEMY HBS** » МЧЖнинг (кейинги ўринларда – Ижрочи) молия ва трейдинг курси бўйича Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодексининг 367-моддаси ва 369-моддаси иккинчи қисмига мувофиқ хизмат кўрсатиш шартномасини (кейинги ўринларда – Шартнома) тузиш юзасидан лаёқатли бўлган жисмоний шахсларга (кейинги ўринларда – Буюртмачи) расмий таклиф ҳисобланади.

Буюртмачи томонидан мазкур офертада белгиланган ҳаракатларнинг бажарилиши, у томонидан қуйидаги шартлар сўзсиз қабул қилинганлигини англатади (Офертанинг акцепти). Офертани акцепт қилган пайтдан шартнома тузилган ҳисобланади. Мазкур шартномада тўғридан-тўғри назарда тутилмаган барча ҳолларда Тарафлар Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари ва иш муомаласи одатларига риоя қиладилар.

1. АТАМАЛАР ВА ТАЪРИФЛАР

Мазкур Шартномада ушбу бўлимда келтирилмаган атамалар ишлатилиши мумкин. Ушбу ҳолатда, бундай атаманинг талқин қилиниши Ўзбекистон Республикасининг қонун ҳужжатларига асосан амалга оширилади. Агар Ўзбекистон Республикасининг қонун ҳужжатларида ушбу атаманинг таърифи келтирилмаган бўлса, атаманинг луғавий маъносидан келиб чиқиб, унинг ҳажми ва мазмуни мавжуд амалиётга асосан белгиланади.

Платформа – Ижрочиға интеллектуал мулк сифатида тегишли бўлган, Ижрочи томонидан молия ва трейдинг курси бўйича видео дарсликлар жойлаштирилган info@hbstrading.net сайт.

Ҳисобга олиш қайдномаси – хизмат кўрсатиш жараёнида Буюртмачини идентификациялаш учун мўлжалланган ахборот (ҳисобга олиш ахбороти). Қуйидагилар Буюртмачининг ҳисобга олиш ахбороти сифатида хизмат қилади: фойдаланувчи номи (логини), кириш пароли (пароль).

Иш кунлари – душанба-жума кунлари соат 10.00дан 18.00га қадар.

Имтиҳон – Буюртмачининг ўқув курси бўйича ўзлаштириш даражасини аниқлаш учун Ижрочи томонидан ташкил этиладиган синов.

Амалиёт – якуний имтиҳондан муваффақиятли ўтган Буюртмачи учун, унинг хоҳишига кўра Ижрочи томонидан Ижрочининг офисида ташкил этиладиган амалий машғулотлар.

Видео дарсликлар – Ижрочи томонидан Платформада видео кўринишида жойлаштирилган молия ва трейдинг бўйича маълумотлар.

Амалиёт ўташ манзили – Буюртмачи амалиёт ўташ учун келиши лозим бўлган, Ижрочининг Тошкент шаҳри, , ул. Ахмад Дониш, 20А манзили бўйича жойлашган офиси.

2. АКЦЕПТ ТАРТИБИ

2.1. Мазкур Офертанинг акцепти «online.hbsakademiya.uz» сайти орқали авторизациядан ўтиб, «hbsakademiya.uz» сайти орқали пуллик хизматни олиш орқали амалга оширилади.

2.2. Мазкур Шартномани тузиш орқали Буюртмачи Ижрочиға амалдаги шахсга доир маълумотлар тўғрисидаги қонун ҳужжатлари талабларига мувофиқ ўзининг шахсга доир маълумотларига (шу жумладан, бироқ чиқариб ташламаган ҳолда: сайтда жорий этилган сервислардан фойдаланиш учун зарур бўлган тўловнинг ҳисоб маълумотлари, мобил телефон рақами, Ф.И.Ш., рўйхатдан ўтиш билан боғлиқ маълумотлар, шунингдек, бошқа ҳар хил шахсга доир маълумотлар) ишлов беришга муддатсиз розилигини беради, шу жумладан, уларни йиғиш, тизимлаштириш, сақлаш, аниқлаштириш (янгилаш, ўзгартириш), кўчириш, фойдаланиш, уларни бериш (тарқатиш, тақдим этиш, доступ бериш) уларни эгасизлантириш, уларни тақиқлаш, уларни ўчириш ва уларни йўқ

қилиш, автоматизация воситаларидан фойдаланган ёки улардан фойдаланмаган ҳолда, ушбу шартномани бажариш мақсадида.

2.3. Ижрочи Буюртмачининг шахсга доир маълумотларнинг махфийлиги бўйича Ўзбекистон Республикаси амалдаги қонун ҳужжатлари талабларига мувофиқ барча зарур бўлган чораларни кўришини Буюртмачига кафолатлайди.

2.4. Ижрочи томонидан кўрсатиладиган хизматлардан фойдаланишдан аввал Буюртмачи мазкур Офертанинг матни билан тўлиқ танишиб чиқиши зарур. Офертанинг шартлари билан тўлиқ ёки қисман норози бўлсангиз, хизматлардан фойдаланишдан бош тортишингиз зарур.

3. ШАРТНОМА ПРЕДМЕТИ

3.1. Ижрочи Буюртмачига молия ва трейдинг курси бўйича пуллик таълим хизматларини (кейинчалик-«Ўқув курслари») кўрсатишни ўз зиммасига олади. Буюртмачи эса ушбу Шартнома шартларига мувофиқ тўловларни амалга ошириш мажбуриятини ўз зиммасига олади.

3.2. Ўқув курслари онлайн тарзда олиб борилади. Ижрочи Буюртмачига ўқув курси бўйича дарс машғулотларини ўзлаштириб бориши учун платформага кириш ҳуқуқини (доступ) тақдим этади.

3.3. Платформага кириш ҳуқуқи фақат Буюртмачи учун тақдим этилади. Буюртмачи ушбу Шартнома бўйича Платформадан фойдаланиш ҳуқуқини учинчи шахсга ўтказишга, қайта сотиш ҳуқуқига эга эмас. Маълумотлар йўқотилиши, ошкор қилиниши, бошқа шахсга узатилиши хавфи учун жавобгарлик тўлиқ ҳажмда Буюртмачига юклатилади.

4. ШАРТНОМА БЎЙИЧА ТЎЛОВЛАР

4.1. Ушбу шартнома бўйича барча тўловлар Ижрочининг шартномада кўрсатилган ҳисоб рақамига пул маблағларини ўтказиш йўли билан нақд/нақд пулсиз шаклда амалга оширилади.

4.2. Ўқув курсларининг умумий нархи хизматни сайтда харид қилаётганлигини тасдиқлаш вақтида Буюртмачига хабар берилади.

4.3. Буюртмачи ушбу Шартнома имзоланган кундан бошлаб 5 (беш) банк куни ичида 100% миқдорида (нақд, ўтказиб бериш орқали) аванс тўловини амалга оширади. Ижрочи Шартнома бўйича тўлов ҳисоб рақамига келиб тушгандан сўнг Шартнома бўйича ўз мажбуриятларини бажаришни бошлайди.

4.4. Ўқув курси бошланганидан сўнг, Буюртмачи курснинг олиб борилишидан, берилаётган маълумотлардан ва ўқув курси сифатидан норози бўлган ҳолатларда, учинчи дарсга қадар эътирозларини билдириб, амалга оширилган тўловни қайтариб олиш ҳуқуқига эга. Буюртмачи томонидан Платформада тўртинчи дарс очилганидан сўнг Буюртмачи шартнома бўйича тўловларни қайтаришни талаб қилиш ҳуқуқига эга эмас.

5. ТАРАФЛАРНИНГ ҲУҚУҚ ВА МАЖБУРИЯТЛАРИ

5.1. Ижрочи қуйидаги мажбуриятларни ўз зиммасига олади:

5.1.1. Буюртмачи томонидан ушбу Шартнома шартларига мувофиқ тўлов амалга оширилганидан сўнг Буюртмачи платформага кириши учун унга логин ва пароль тақдим этиш;

5.1.2. Ўқув курси давомида платформада юзага келиши мумкин бўлган муаммолар, носозликлар ҳақида Буюртмачини ўз вақтида огоҳлантириш;

5.1.3. Хизматларни ўз вақтида тақдим этишга тўсқинлик қилаётган ёки бажариш имконсиз бўлган объектив сабаблар юзага келган ҳолатларда, камида 1 (бир) кун аввал бу ҳақида Буюртмачига хабар бериш. Бундай сабаблар туфайли хизмат кўрсатишдаги узилишлар компенсация қилинмайди;

5.1.4. Ўқув курси давомида (хар 3-4 дарсдан кейин) имтиҳонлар ўтказиб бориш ва имтиҳон натижалари бўйича Буюртмачига баллар бериб бориш;

5.1.5. Ўқув курсининг якуни бўйича Буюртмачи томонидан йиғилган балларни Ижрочи томонидан белгиланган мезонларга кўра совғаларга алмаштириб бериш;

5.1.6. Ўқув курси якуни бўйича Буюртмачига сертификат тақдим этиш;

5.1.7. Буюртмачи якуний имтиҳондан муваффақиятли ўтгандан сўнг, Буюртмачи учун офлайн амалиёт ташкил этиш.

5.2. Буюртмачи қуйидаги мажбуриятларни ўз зиммасига олади:

5.2.1. Ушбу Шартнома шартларига мувофиқ тўловларни ўз вақтида амалга ошириш;

5.2.2. Ўқув курси бўйича мустақил таълим олиш, дарсликлар бўйича пухта тайёрланиш, Ижрочи томонидан берилган барча вазифаларини ўз вақтида бажариш;

5.2.3. Амалиёт ўташ учун Ижрочининг офисига келганда ички қоидаларига, интизомига ва бошқа қоидаларга риоя қилиш;

5.2.4. Буюртмачи Ижрочига хизмат кўрсатишдаги режадан ташқари узилишлар сабабларини, хавфсизлик талаблари бузилишларини ва мазкур Шартнома шартлари бузилишига тахминларни текширишда ёрдам бериш.

5.3. Ижрочининг ҳуқуқлари:

5.3.1. Буюртмачидан Шартнома бўйича тўловларни ўз вақтида амалга оширилишини талаб қилиш;

5.3.2. Ўқув жараёнини, баҳолаш тизимини мустақил равишда белгилаш ва ўзгартириш;

5.3.3. Буюртмачи томонидан платформада жойлаштирилган онлайн дарсликлар ўзлаштирилмаган ҳолатларда, Буюртмачи учун амалиёт ташкил этишдан бош тортиш.

5.4. Буюртмачининг ҳуқуқлари:

5.4.1. Ўтказилган имтиҳонлар натижалари тўғрисида тўлиқ маълумот олиш;

5.4.2. Шартнома муддати иш кунлари давомида (душанба-жума 10.00-18.00), ёрдам учун қуйидаги воситалар орқали Ижрочи билан боғланиш:

а) электрон почта (info@hbstrading.net) - савол шошилишч бўлмаган тақдирда;

б) телефон қўнғироғи ёки мессенжерлар (тел: +998781131390) - савол шошилишч бўлган тақдирда.

5.4.3. Ижрочи томонидан Шартнома бўйича мажбуриятларини ўз вақтида ва сифатли бажаришни талаб қилиш.

5.5. Ижрочи қуйидаги ҳолатларда Хизматлар кўрсатишни вақтинча тўхтатиб қўйиш, Буюртмачини аккаунтига киришни блокировка қилиш, Буюртмачининг янги Хизмат учун буюртмасини рад қилиш ва (ёки) Буюртмачининг Хизматлар амал қилиш муддатини узайтириш учун буюртмасини рад қилишга ҳақли:

5.5.1. Ижрочи Ўзбекистон Республикасининг амалдаги қонун ҳужжатларига мувофиқ тегишли ўзаро муносабатларни тартибга солишчи ва тегишли ваколатларга эга давлат органи томонидан Хизматлар кўрсатишни вақтинча тўхтатиб қўйиш тўғрисида талабни ўз ичига олган тегишли кўрсатма олган ҳолатда;

5.5.2. Ижрочининг қоида бузилишларини бартараф этиш бўйича талаблари Буюртмачи томонидан бажарилгунгача Хизматлар кўрсатишни вақтинча тўхтатиб қўйиш Буюртмачи томонидан мазкур Шартнома бўйича ўзининг барча мажбуриятлари бажарилишини бекор қилмайди.

5.6. Ахборот-тармоқ хавфсизлиги соҳасида, шунингдек турли хил тармоқ ҳужумларига, шу жумладан оммавий IP-манзиллари учун хизмат кўрсатишни рад қилиш тақсимланган ҳужумларига қарши курашиш (DDoS) соҳасида ноҳуш ҳолатлар олдини олишга қаратилган чора-тадбирларни амалга ошириш мақсадида Ижрочи исталган пайтда Буюртмачини олдиндан хабардор қилмаган ҳолда, чекланишларни жорий қилишга, шу жумладан портларни блокировка қилишга ёки IP-манзилга киришни чеклашга, UDP amplification даражадаги ҳужумлар учун фойдаланиш мумкин бўлган сервисларни ўтказиш полосасини чеклашга ёки ушбу сервислардан фойдаланиш имкониятини чеклашга ҳақли. Блокировка қилинган портлар ва бошқа чекланишларнинг тўлиқ рўйхати қуйидаги манзил Алоҳида сервислардан фойдаланиш шартлари. Қайд этилган рўйхат Буюртмачи олдиндан хабардор қилмаган ҳолда ўзгартирилиши мумкин.

6. ЎҚУВ КУРСЛАРИНИ ОЛИБ БОРИШ ТАРТИБИ

6.1. Буюртмачи Ижрочи томонидан платформага кириш учун логин ва пароль берилган кундан бошлаб 2 (икки) ой давомида видео дарсликларни кўриб боради. Ижрочи имтиёз сифатида Буюртмачига платформадан яна 2 (икки) ой давомида фойдаланиш ҳуқуқини беради.

- 6.2. Платформа ушбу Шартноманинг 6.1-бандида кўрсатилган муддат давомида узлуксиз ишлаб боради.
- 6.3. Платформада видео дарсликларни яхши ўзлаштирган Буюртмачи офлайн тарзда амалиёт ўташ учун Ижрочининг офисига келиш ҳуқуқига эга бўлади.
- 6.4. Амалиёт ўташ қуйидаги тартибда амалга оширилади:
- 6.4.1. Буюртмачи томонидан топширилган имтиҳон натижаси эълон қилингандан сўнг Ижрочи Буюртмачи амалиёт ўташи ёки ўтамаслиги тўғрисида маълумот беради.
- 6.4.2. Амалиёт графиги тарафларнинг келишувчига асосан олдиндан (душанба-жума 11.00-20.00) тасдиқланади.
- 6.4.3. Амалиётнинг кунлик давомийлиги 2 соатни ташкил этади.
- 6.4.4. Амалиётнинг умумий давомийлиги 1 (бир) ойни ташкил этади.
- 6.4.5. Амалиёт Ижрочининг Тошкент шаҳри, Юнусобод тумани ул. Ахмад Дониш, 20А манзили бўйича жойлашган офисидида ўтилади.
- 6.5. Амалиёт ўташ Буюртмачининг мажбуриятига эсам, ҳуқуқи деб ҳисобланади. Буюртмачи ўз хоҳишига кўра амалиёт ўташдан бош тортиши мумкин.
- 6.6. Буюртмачи Ижрочи томонидан логин ва пароль берилган кундан бошлаб 6 (олти) ой давомида платформага кириш ва видео дарсликларни қайтадан кўриб бориш ҳуқуқига эга. Шартноманинг ушбу бандида кўрсатилган муддат тугагач, Буюртмачи учун платформага кириш ҳуқуқи берилмайди (доступ ёпилади).
- 6.7. Ижрочи мажбуриятларини тўлиқ бажаргандан сўнг Амалга оширилган хизматларни топшириш ва қабул қилиш далолатномасини имзолаш учун Буюртмачига тақдим этади.
- 6.8. Буюртмачи ҳисоб-фактура/накладной ва далолатномаларни улар келиб тушган санадан бошлаб 10 (ўн) иш кунини давомида уларни имзолайди ва бир нусхасини Ижрочига тақдим этади ёхуд эътироз ва қўшимчалар ҳақида Ижрочига ёзма равишда хабар беради.

7. ТАРАФЛАРНИНГ ЖАВОБГАРЛИГИ

- 7.1. Тарафлар Шартнома бўйича ўз мажбуриятларини бажармаган ва/ёки лозим бўлган даражада бажармаган тақдирда Ўзбекистон Республикасининг амалдаги қонунчилиги ва Шартнома шартларига мувофиқ жавобгар бўладилар.
- 7.2. Буюртмачи томонидан белгиланган муддатда имтиҳон топширилмаган тақдирда, Буюртмачига қайтадан имтиҳон топшириш ҳуқуқи берилмайди, Ижрочи томонидан хизматлар тўлиқ ва сифатли кўрсатилган деб ҳисобланади. Бундай ҳолатларда Буюртмачи амалиёт ўташ ҳуқуқи берилмайди.
- 7.3. Ушбу Шартнома бўйича ўқув курси сифатида мустақил таълим назарда тутилган бўлиб, Буюртмачи томонидан ўқув курси паст даражада ўзлаштирилганлиги учун Ижрочи жавобгар бўлмайди.
- 7.4. Буюртмачи томонидан ушбу Шартноманинг 3.3-банди бузилган ҳолатларда Буюртмачи Ижрочига 100 БҲМ миқдорида жарима тўлайди.
- 7.5. Буюртмачи томонидан ушбу Шартноманинг 10.2-банди бузилган ҳолатларда Буюртмачи Ижрочига 500 БҲМ миқдорида жарима тўлайди.
- 7.6. Буюртмачи томонидан ҳар қандай учинчи шахсга логин ва пароль берилган ҳолатда, ушбу учинчи шахснинг платформада амалга оширган ҳаракатлари учун барча жавобгарлик Буюртмачига юклатилади.
- 7.7. Ижрочи қуйидагилар учун Буюртмачи олдида жавобгар бўлмайди:
- 7.7.1. Ижрочи хизматларидан фойдаланиш даврида ёки фойдаланилмаган даврда олинмаган даромад ва бой берилган фойда, шунингдек Буюртмачига етказилган ҳар қандай билвосита зарарлар учун жавобгар бўлмайди.
- 7.7.2. Интернет тармоғи ёки унинг қисмлари меъёрий ишлаши учун жавобгар бўлмайди, худди шундай, агар мазкур Шартномада бевосита ўзгача назарда тутилмаган бўлса, Буюртмачининг улардан фойдаланиш имконияти яратилганлиги учун жавобгар бўлмайди.
- 7.7.3. Учинчи шахсларнинг ҳар қандай ноқонуний ҳаракатлари учун жавобгар бўлмайди.

7.7.4. Буюртмачи ёки фойдаланувчилар томонидан ташкил қилинадиган ва таъминладиган ахборот узелларининг сақланиши учун жавобгар бўлмайди ва ҳеч қандай дастлабки цензурани амалга оширмайди. Бунда Ижрочи, Буюртмачи томонидан Шартнома ва/ёки қонун ҳужжатлари бузилиши туфайли юзага келган зарур ҳолларда, Буюртмачи ёки унинг фойдаланувчилари ахборот ресурслари таркибини блокировка қилишга, ўзгартиришга, олиб ташлашга ҳақли.

8. ФОРС-МАЖОР ҲОЛАТЛАРИ

8.1. Тарафлар ушбу шартнома бўйича ўз мажбуриятларини қисман ёки тўлиқ бажармаганлиги учун жавобгарликдан озод қилинадилар, агарда унинг тўғри бажарилиши енгиб бўлмайдиган куч(форс-мажор) ҳолатлари, яъни: ёнғин, табиий офатлар, пандемия, уруш, ҳар қандай табиатдаги ҳарбий операциялар, блокадалар натижасида келиб чиққан бўлса, Шартномани ижро этиш муддати форс-мажор ҳолатлар амал қилган вақтга мутаносиб равишда кечиктирилади.

8.2. Агар ушбу ҳолатлар 3 (уч) ойдан кўпроқ давом этса, Тарафларнинг ҳар бири Шартнома бўйича кейинги мажбуриятларни бажаришдан бош тортиш ҳуқуқига эга бўлади ва бу ҳолда, ҳеч бир Тараф бошқа Тараф томонидан вужудга келиши мумкин бўлган зарарни ундириш ҳуқуқига эга эмас.

8.3. Ушбу Шартнома бўйича мажбуриятларни бажариш имконсизлиги юзага келган Тараф юқоридаги ҳолатларнинг пайдо бўлиши, давомий муддати ва бекор қилиниши тўғрисида бошқа Тарафга ёзма равишда хабар беришга мажбур, аммо улар юзага келган ёки бекор қилинган кундан бошлаб 10 кундан кечиктирмай.

8.4. Ушбу ҳолатлар пайдо бўлган жойдаги ваколатли органлар томонидан берилган расмий баёотлар (шу жумладан, гувоҳномалар) форс-мажор ҳолатлари ва уларнинг давомийлиги тўғрисида тегишли далил бўлиб хизмат қилади.

8.5. Шу билан биргаликда, форс-мажор ҳолатларига ушбу Шартнома бўйича хизмат кўрсатиш мумкин эмаслигига олиб келадиган Google Ins. ва Apple Ins. компанияларининг ҳаракатлари ва ҳаракатсизлиги киради. Учинчи шахсларнинг бевосита ёки билвосита ҳаракатлари ёки ҳаракатсизлиги ва/ёки Ижрочининг шахсий ресурсларидан ташқарида транспорт-ахборот каналларининг ишга яроқсизлиги сабабли юз берадиган Ижрочининг шахсий ресурсларидан тўлақонли фойдаланиш имконияти йўқлиги ва ишдаги кечикишлар, узилишлар учун жавобгар бўлмайди.

9. МАХФИЙЛИК

9.1. Тарафлар ушбу орқали шуни тасдиқлайдиларки, мазкур Шартномани тайёрлаш доирасида, шунингдек Шартнома тузилганидан сўнг улар ўзаро алмашинадиган ахборот махфийлик хусусиятига эга бўлиб, Тарафлар учун қимматли ҳисобланади ва ошкор қилинмайди, чунки хизмат ва/ёки тижорат сирини ўз ичига олган, учинчи шахсларга маълум эмаслиги туфайли амалий ва потенциал тижорат аҳамиятига эга, ундан қонуний асосда эркин фойдаланиш имконияти йўқ.

9.2. Тарафларнинг ҳар бири ушбу Шартнома тузишда ва Шартномадан келиб чиқадиган мажбуриятларни бажариш жараёнида бошқа Тарафнинг махфий маълумотларини ошкор қилмаслик мажбуриятини ўз зиммасига олади.

Ушбу мажбурият Шартномани амал қилиш муддати давомида ва бекор қилинганидан сўнг амалга оширилади.

9.3. Ижрочи Буюртмачи тўғрисидаги маълумотларни фақат Ўзбекистон Республикасининг қонун ҳужжатларига асосан ошкор қилишга ҳақли.

9.4. Мазкур Шартномада назарда тутилган махфийлик режими бузилган ҳолатда, Ижрочи бундай қоида бузилиши аниқланган санадан эътиборан бир томонлама тартибда Буюртмачига келгуси Хизматлар кўрсатишни рад қилишга, шунингдек Буюртмачи томонидан махфий ахборот режими бузилиши оқибатида етказилган зарарлар компенсациясини талаб қилишга ҳақли.

10. МУАЛЛИФЛИК ҲУҚУҚЛАРИНИ ҲИМОЯ ҚИЛИШ

10.1. Ижрочи Хизматларини кўрсатиш амалга ошириладиган ёки бундай Хизматлар бевосита кўрсатиладиган сайт Ижрочиға, унинг аффилиланган шахсларига ва бошқа алоқадор тарафларға, вакилларға, Ижрочи номидан фаолият юритувчи бошқа барча шахсларға тегишли интеллектуал фаолият натижаларини ўз ичига олади.

10.2. Платформа, фото, видеоматериаллар билан боғлиқ барча интеллектуал ишланмалар, ғоялар, бошқа номоддий маҳсулотлар ва интеллектуал мулклардан фойдаланиш учун барча ҳуқуқлар Ижрочиға тегишли. Буюртмачи ушбу маълумотларни учинчи шахсларға тақдим этиш, тарқатиш ва сотиш ҳуқуқиға эға эмас.

10.3. Буюртмачи томонидан Ижрочининг муаллифлик ҳуқуқларини ҳимоялашға тегишли Шартнома қоидалари бузилган ҳолатда, Ижрочи барча етказилган зарарлар, шу жумладан бой берилган фойда компенсацияларини талаб қилишға ҳақли.

11. ХАБАРНОМАЛАР АЛМАШИНУВИ

11.1. Тарафлар ўртасида хабарномалар, шу жумладан юридик аҳамиятли хабарномалар алмашинуви электрон почта, телефон қўнғироғи ёки мессенжерлар орқали амалға оширилади.

11.2. Юқорида қайд этилган усуллардан исталган бири орқали Ижрочи томонидан тегишли хабарномалар юборилганида Буюртмачи томонидан хабарномаларнинг олинмаслиги хавфи ҳолатида, шу жумладан Бошқарув панелида электрон почта нотўғри қайд этилган, шу жумладан платформа орқали олинандиган хатлар ва хабарномаларни ўқиш рад қилинган ва ҳ.к. ҳолатда Буюртмачи жавобгар бўлади.

11.3. Электрон почта манзили нотўғри кўрсатилган, электрон почтаға кириш маълумотлари йўқотилган ва/ёки электрон почта манзили алмаштирилган ҳолатда, бу ҳақда Ижрочи хабардор қилинмаган ҳолатда, билдириш хати ўқиб чиқилмаган ҳолатда, Буюртмачининг қайд этилган электрон манзилиға юборилган Ижрочининг ҳар қандай билдириш хати олинган ҳисобланади.

11.4. Тарафларда электрон почта бўйича хабарномалар олинганлигига ва (ёки) юборилганлигига ва Ижрочининг интерфейсидан фойдаланиш билан боғлиқ бошқа ҳаракатларға шубҳалар пайдо бўлган ҳолатда, Ижрочида сақланандиган ахборот юқорида қайд этилган ҳолатларнинг асосли далил-исботи ҳисобланади.

12. ШАРТНОМАНИ ЎЗГАРТИРИШ ВА БЕКОР ҚИЛИШ

12.1. Шартнома Тарафларнинг ёзма келишуви билан, шунингдек, Ўзбекистон Республикаси қонунларида назарда тутилган бошқа ҳолларда ўзгартирилиши мумкин.

12.2. Шартнома Тарафлардан бирининг ташаббуси билан ёзма хабарнома асосида бекор қилиниши мумкин. Бунда ташаббус кўрсатган Тараф бошқа Тарафни Шартномани бекор қилиш санасидан 30 (ўттиз) календар кун олдин огоҳлантириши талаб қилинади. Бунда Шартнома 4.4-бандини инобатға олган ҳолда бекор қилинади.

13. НИЗОЛАРНИ ХАЛ ҚИЛИШ

13.1. Мазкур шартномадан келиб чиқувчи ҳар қандай низо Буюртмачининг ёзма мурожаати асосида эътироз тартибида кўриб чиқилади. Мурожаатни кўриб чиқиш ва унинг мазмуниға қуйиладиган талаблар амалдаги Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари билан белгиланади.

13.2. Келишувға эришилмаган тақдирда, низолар Ўзбекистон Республикасининг амалдаги қонунчилигига мувофиқ суд тартибида кўриб чиқилади.

14. БОШҚА ШАРТЛАР

14.1. Тарафлардан ҳеч бири Шартнома бўйича ўз ҳуқуқлари ва мажбуриятларини бошқа Тарафнинг олдиндан ёзма розилигисиз учинчи шахсға беришға ҳақли эмас.

14.2. Шартноманинг бир ёки бир неча қоидалари бирон-бир сабабға кўра юридик кучға эға бўлмаган, ҳақиқий ҳисобланмаган ҳолатда, бундай ҳақиқий ҳисобланмаслик умуман

Шартноманинг ҳақиқийлигига ёки Шартноманинг қонуний кучдаги исталган бошқа қондаси ҳақиқийлигига таъсир этмайди.

14.3. Шартномада тартибга солинмаган масалалар бўйича Тарафлар Ўзбекистон Республикасининг амалдаги қонун ҳужжатларига амал қиладилар.